

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига аъзолик тўғрисида
ШАРТНОМА

№ QR 005

«10 септабр» 2022 й.

Нукус ш.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси **Қорақалпоғистон Республикаси** худудий бошқармаси (кейинги ўринларда “Палата” деб юритилади) номидан бошқарма бошлиғи Д.Жолдасов Устав асосида бир тарафдан ва **“Тарафлар”** (кейинги ўринларда “Палата аъзоси” деб юритилади) номидан Устав/гувоҳнома асосида фаолият юритувчи **РС Ҳоҷимов** иккинчи тарафдан, (кейинги ўринларда биргалиқда “Тарафлар” деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги” Конуни (янги таҳрири)га мувоғик, мазкур шартномани кўйидагилар ҳакида тузиши:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома Палата аъзолигига кириш ва қабул қилиш, Палата ва унинг худудий бошқармалари томонидан Палата аъзоларига хизмат кўрсатиш, Палата аъзолари учун кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1.2. Тарафларнинг мазкур шартнома доирасидан чиқадиган кенг ҳамкорликдан манфаатдорлиги ҳолатларида тарафлар кўшимча битим ёки алоҳида шартнома тузишлари мумкин.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Палата аъзоси кўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Палата ҳуқуклари ва имтиёзларидан фойдаланган ҳолда ўз ҳуқуқ ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш шунингдек, ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш;

- ёзма хабар бериш орқали ўз хоҳишига кўра Палатага аъзоликни тугатиш;

- конуний ҳуқукларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзи ёки ваколатли вакили орқали Палата ва унинг худудий бошқармаларига мурожаат қилиш;

- Палата Куритойига делегат сайлаш ва сайланиш;

- Палата Раёсати аъзоси сайлаш ва сайланиш;

- Палата ва унинг худудий бошқармаларига ўз фаолияти билан боғлиқ таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

- Палата ва унинг худудий бошқармалари томонидан ўтказиладиган тадбирларда катнашиш;

- норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси ўтказилишида катнашиш, шу жумладан, Палатанинг эксперт кенгашларида иштирок этиш;

- Палата ва унинг худудий бошқармаларига шикоят, ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиш;

- Палата ва унинг худудий бошқармаларининг кўйидаги хизматлардан фойдаланиш:

а) ҳуқуқ ва конуний манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасида:

- ваколатли назорат килувчи органлар томонидан Палата аъзоларининг фаолиятида ўтказиладиган текширувларда Палата ходимининг иштирок этиши;

- низоларни судгача ҳал этиш;

- иктисодий низоларни Палата ҳузуридаги ҳакамлик судларида кўриб чиқиш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек, судда Палата аъзосининг ҳуқуклари ва конуний манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

- Палата аъзоларининг манфаатларида судларга давлат божи тўламасдан даъволар тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш;

б) тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, ўқитиш ва қадрлар малакасини ошириш соҳасида:

- бизнесни ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан тегишли оғзаки ва ёзма юридик маслаҳатлар бериш;

- тадбиркорлик субъектларига инвестициявий ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш юзасидан амалий кўнікмаларни ривожлантиришга кўмаклашиш;

- молиявий, товар-хомашё ва табиий ресурслардан, мухандислик-комуникация тармокларидан, технологик машиналар ва ускуналардан, ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланишга руҳсат олишда, шунингдек ер участкаларини олишда кўмаклашиш;

- бизнес-режаларни тайёрлаш, зарур маълумотларни олиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда эксперт, ҳуқукий ва маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;

- салоҳиятли ҳамкорлар билан музокараларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- қадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлашда кўмаклашиш;

в) ташкил иктисодий фаолият ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасида:

- ташкил иктисодий фаолият билан боғлиқ хужжатларни расмийлаштириш, шунингдек, тегишли жараёнлардан ўтиш;

- тадбиркорлик субъектларига ҳамкорлар топишда, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет эл бозорларида сотишида, тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва кенгайтиришда, шунингдек уларнинг ҳуқуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиш;

- кичик саноат ва эркин иктисодий зоналарда ишлаб чиқариладиган, ички ва ташкил бозорда ракобатбардош маҳсулотларни сотишида ва замонавий ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўллаб-қуватлаш;

- бизнес форумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва танловлар ўтказишни ташкил этиш, шу жумладан, халқаро миқёсидаги;

- виза олишда кўмаклашиш;

- реклама кампанияларини ташкил этиш, шу жумладан, веб-сайтларда, бошка ахборот нашрларида ва Палата сайтларида Палата аъзоларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларини жойлаштириш.

2.2. Палата аъзоси кўйидаги мажбуриятларга эга:

- Палата ва унинг бошка аъзолари билан бўладиган муносабатларда ўз фаолиятини ўзаро хурмат, конунийлик, виждонийлик ва ишбилармонлик этикаси тамоиллари асосида ташкил этиш;

- Палатанинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол кўмаклашиш;
- аъзолик бадалларни ўз вактида тўлаш;
- Палата аъзосининг номи, ташкилий-хукукий шакли, ходимлар сони, юридик ва электрон манзиллари, банкдаги ҳисоб ракамлари ва телефон ракамлари ўзгарганда Палата аъзоларининг Ягона базасини шакллантириш ва мониторингини юритиш учун Палатани ўз вактида хабардор килиш;
- Палата ва унинг худудий бошкармалари томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш.

2.3. Палата қўйидаги хукукларга эга:

- Палата ўз аъзоларининг манфаатида Устав билан белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш учун улардан зарур бўлган маълумотларни сўраб олиш;

- Палата аъзосидан мазкур шартноманинг 3.2 бандида белгиланган аъзолик бадалларини олишга;

- Палата аъзоларининг Ягона базасини шакллантириш ва мониторингини юритиш учун Палата аъзоси тўғрисидаги зарур маълумотлар (номи, ташкилий-хукукий шакли, ходимлар сони, юридик ва электрон манзиллар, банкдаги ҳисоб ракамлари, телефон ракамлари ва бошқалар)ни сўраб олиш;

- ушбу шартноманинг 2.2.бандида белгиланган мажбуриятлар Палата аъзоси томонидан бажарилмаган ҳолларда уни аъзоликдан чиқаришга.

2.4. Палата қўйидаги мажбуриятларга эга:

- Палата аъзосига ахборот, хукукий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш;
- Палата томонидан мамлакатимиизда ва хорижий мамлакатларда ўтказиладиган тадбирлар (учрашувлар, давра сухбатлари, семинарлар, ўкув машғулотлари, курслар, ярмарка, кўргазмалар ва бошқалар) ҳакида ҳабар бериш;
- Палата аъзосига ўрнатилган тартибида хизматлар кўрсатишни таъминлаш;
- Палатанинг электрон сайтси ва бошқа ахборот манбаларига киришни таъминлаш.

3. КИРИШ ВА АЪЗОЛИК БАДАЛЛАРИ

3.1. Мазкур шартномага кўра кириш аъзолик бадали қўймати “ноль” микдорида белгиланган.

3.2. Йиллик аъзолик бадали базавий ҳисоблаш микдорининг _____ бараварида белгиланган бўлиб, қўйидаги тартибида тўланади:

- биринчи йиллик аъзолик бадали мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (үн) банк куни ичидаги тўланади.

- кейинги йиллар учун йиллик аъзолик бадали бўйича тўлов мазкур йилнинг “___” “___” гача амалга оширилади.

3.3. Йиллик аъзолик бадалининг микдори Палата томонидан ўтган йилларда кўрсатилган хизматларнинг аник хажмини ҳисобга олган ҳолда Тарафлар келишувига асосан ўзgartирилиши мумкин, лекин ушбу микдор Палата аъзоси тегишли тоифаси учун белгиланган аъзолик бадалининг минимал микдоридан кам бўлмаслиги лозим.

3.4. Мазкур шартноманинг 3.2. банди учинчи хат бошида кўрсатилган муддатларда аъзолик бадалларини тўламаслик холатларида шартнома бекор килинган ҳисобланади.

3.5. Аъзолик бадаллари бўйича тўловлар амалга ошириладиган кунида Хукумат томонидан белгиланган базавий ҳисоблаш микдорига мос равишда тўланади. Мажбурий аъзолик бадаллари ўз вактида тўланмаган тақдирда Палата Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ тегишли чоралар кўришга ҳақли.

4. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

4.1. Шартнома номуайян муддатга имзоланган вактдан бошлаб кучга киради ва тўлов учун асос ҳисобланади.

4.2. Мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташабbusи билан иккинчи томонни бир ой олдин, асослари кўрсатилиб ёзма равишда огохлантирган ҳолда бир тарафлама бекор килиниши мумкин. Бунда шартнома бекор қилингунга қадар тўланган йиллик аъзолик бадали ёки бошқа тўловлар Палата аъзосига кайтарилмайди. Палатага қайта аъзолик умумий қоидалар асосида амалга оширилади.

4.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган аъзоликнинг бошқа шартлари, шунингдек шартномани лозим даражада бажармаслик ёки умуман бажармаслик амалдаги қонунчилик билан тартиба солинади.

4.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатларида ўз вактида бир – бирларини огохлантирган ҳолда тегишли равишда бажармаганлари ёки умуман бажармагани учун жавобгарлиқдан озод қилинади.

4.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган, икки нусхада тузилиб, тарафларнинг харбирига бир нусхадан берилди..

4.6. Мазкур шартнома бўйича келиб чикадиган барча низолар, хусусан, шартномани тузиш, ўзgartириш, бажариш, унга риоя этмаслик, бекор килиш, тўхтатиш ва ҳаққиийлиги билан боғлик келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қоракалпогистон Республикаси худудий бошкармаси қошидаги Ҳакамлик судида унинг Реглamenti асосида ҳал килинади. Ҳакамлик судининг қарори катъий ва Тарафлар учун мажбурий ҳисобланади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

ПАЛАТА

Ўз.Рес. Савдо-саноат палатаси Қоракалпогистон

Республикаси худудий бошкармаси.

Нукус ш.И.Каримов кўчаси, ракамсиз уй.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси реквизитлари

Х/р. 2021-2000 5037-8149 7005

МФО: 00416 СТИР: 201794794

Тошкент ш. "АСАКАБАНК" АЖ "ПОЙТАХТ" Филиалы

Тел: 222-00-58, 222-00-51 / qr@chamber/uz

Бошкарма бошлариги

Д.Жолдасов

ПАЛАТА АЪЗОСИ

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI TAXIYATOSH TUMANI
«TAXIYATOSH ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI»
AKSIYADORLIK JAMIYATI

H/r 2021 0000 8003 1423 8001

BANK KODI: 00616 STIR: 200366401

TAXIYATOSH FILIALI

(0361) 572-26-54 572-70-55

Рахбари



Рахбари
Рахбари
Рахбари
Санжар